

Бу дорининг номини биласизми?



19:00 / 30.09.2021 4452

Али Тантовий роҳимаҳуллоҳ айтади:

«Сизга иккита ҳолатни айтиб бермоқчиман. Бир неча йиллар олдин жарроҳлик амалиёти ўтказиш учун бир шифохонага тушдим. Улар мендан кўп анализлар олиб обдон текширишди. Анализ учун қон олишди, рентгенга туширишди ва ҳоказо.

Менинг танамнинг амалиётга чидамли эканлигига ишонишгач шифокор амалиётга тайёрлана бошлади. Қўлини совунлаб ювди, кейин спиртда ювди, ундан кейин қўлқоп кийди, хонани дезинфекция қилишди, амалиётни ўтказишди. Жароҳатни тоза бинт билан боғлашди, менга турли антибиотиклар беришди. Ҳар куни шифокор кириб аҳволимни назорат қилиб турди. Ҳамширалар жароҳатга вирус тушмаслиги учун ҳар куни боғланган бинтни алмаштириб туришди.

Бу биринчи ҳолат.

Иккинчи ҳолатни шифохонадан эмас, жанг майдонидан, яъни Бадр жангидан келтираман.

Саҳобалардан Муоз ибн Амр ибн Жамуҳ елкасидан яраланди. Унинг қўли узилиб терисига илиниб қолди. Унинг нима қилганини биласизми?

Йўқ, уни ярадорлар учун ҳозирланган кўчма палаткаларга олиб ўтишмади. Унинг жароҳатини амалиёт қилиш учун амалиёт столига

ётқизишмади. Вирус ва микробларга қарши ҳеч нарса беришмади. Аксинча, у жангни давом эттирди. Унинг кесилиб терисига осилиб қолган қўли урушишга халақит бергач уни оёғи остига қўйиб узиб ташлади ва жангни давом эттирди.

Бу бўлган воқеа. Шифохонада ётиб шуни эсладим. Жароҳатим тоза бинтларга боғлангани, унинг ҳар куни алмаштириб турилгани ва ҳамширалар жароҳатимга вирус тушмаслиги учун атрофимда ҳушёр туришганига қарамасдан мен кўрқар эдим. Шифокор ва ҳамширалар ҳам мендан хавотирда эдилар.

Биз сийрат китобларини, тарих китобларини шундайгина ўқиб ўтиб кетаверамиз. Уни тасаввур қилмаймиз. Ўйлайманки, бу воқеани сизлардан кўп кишилар ўқиган. Аммо кимлар тасаввур қилиб кўрган?!

Биздан биров қўли яраланса дарров спирт ва бинтни олиб ярасига вирус ёки микроб тушмаслиги учун боғлайди. Юқоридаги саҳоба қўлининг елкасидан узилганига қандай сабр қилган экан?! Ундан қон кетмадимиз? Жароҳат ифлосланмадимиз? Оғриқдан жангни тўхтатмадимиз? Қандай қилиб жангни давом эттирди? Ёки бизлар инсон-у улар инсонликдан юқорими? Ёки улар инсон-у биз инсонликдан пастмизми? Биз тупроқдан яратилдигу улар бошқа унсурдан яратилишдими?

Йўқ! Уларнинг алам ва оғриқларини йўқотадиган ажиб дорилари бор эди. У дори биз биладиган бугунги кундаги наркоз эмас эди. Биз ривожланиш даврида ҳам жисмни турли вирус ва микроблардан сақлайдиган, жисмни очликка, чанқоқликка, уйқусизликка сабр қилишга ундайдиган унақа дорини билмаймиз. У сеҳр бўлмасда сеҳрнинг ишини қилади. Мана шу дори билан ўша даврдаги жангларда ҳеч қайси олийгоҳ ёки коллежларда ўқимаган аёллар қўли кесилган, оёғи кесилган, боши ёрилган кишиларга вирус туширмасдан ёрдам кўрсатишар эди. Улар мана шу дори билан ярадорлар жисмидан найзани, камон ўқини суғуриб олишар, ярадорлар ҳеч қандай антибиотиксиз яна жангга кириб кетишар эди. Мана шу дори билан мусулмон аскар очликка, чанқоқликка, оғриққа сабр қилди. Улар мана шу дорининг кучи билан Мадинадан Мисрга, Ливияга, Атлантика соҳилларига, Франция юрагига, Шомга, Ироққа, Форсга, Афғонга, Ҳиндга боришган.

Мана шу дорининг кучи билан мусулмон олимлар бедор бўлишган, уйқудан воз кечишган ва бизга миллионлаб нодир асарлар ёзиб қолдиришган.

Биз мана шу дорининг таркибини унутганимизда жисмимиз ҳам, руҳимиз ҳам, ақлимиз ҳам заиф бўлиб қолди. Миллатлардан ортда қолдик. Араванинг орқа ғилдирагига айландик.

Азизлар! Бу дорининг номи ИЙМОНдир! ».

Абдулқодир Полвонов